

**№ S/5 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/5 (3)-2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Кайпова Малика Дауытбай қизи</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ .....	9-13
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА .....	14-19
<i>Aminov Xurmatbek Baxram o'g'li</i> HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR .....	20-25
<i>Мустафоев Жонибек Аралбоевич</i> “ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) .....	26-31
<i>Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li</i> O'ZBEKİSTON TARİXİY TARAQQIYOTNING ZAMONAVİY BOSQİCHIDA İJTİMOİY DAVLATNI SHAKLLANTIRİSHNING KONSTITUTSIYAVİY İSTİQBOLLARI .....	32-36
<i>Маҳмудон Эркин Асқаралиевич</i> АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРГОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ....	37-45
<i>Назаров Комил Шамсуддинович</i> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ .....	46-51
<i>Mamajonov Rahimjon Akramovich</i> O'ZBEKİSTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI .....	52-58

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Остонокулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жўма ўғли</i> ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАГЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ .....	59-69
<i>Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich</i> DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF UZBEKISTAN .....	70-75
<i>Хамраев Джамишид Панжиевич</i> ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛANIШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ .....	76-81
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	82-91
<i>Axmedova Nazokat Zikirillo qizi</i> KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH USULLARI VA AFZALLIKLARI .....	92-97

<i>Саатмуротов Шоҳруҳ</i>	
МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ .....	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i>	
АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ .....	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ .....	114-121

<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i>	
DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAQATLARINING BOSHQARUV TAHLILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI .....	122-129

<i>Қодиров Азизжон Анварович</i>	
«COVID-19» ИНҚИРОЗИННИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ .....	130-137

## **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i>	
JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI .....	138-145

<i>Raxmatova Xolidaxon Xolikovna</i>	
XOJA AHROR VALIYNING TINCHLIK, OSOYISHTALIK VA HAMJIHATLIKKA DOIR G'OVYALARI – BARQAROR TARAQQIYOT OMILI SIFATIDA .....	146-151

<i>Орзиеев Иқболжон</i>	
АҲБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ .....	152-157

<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA BAHS-MUNOZARALAR LARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

## **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Israel Mukaddas Irgashevna</i>	
BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDA O'RGANISH USULLARI .....	166-172

<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i>	
A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR .....	173-178

<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i>	
ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ .....	179-184

<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i>	
O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI .....	185-189

<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i>	
OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIYAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI .....	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI .....	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS .....	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI .....	214-219

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ .....	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI .....	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI .....	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ХУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ .....	254-258

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abdusalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA .....	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI .....	272-277

---

<i>Kuchkarova Arofathon</i>	
THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS .....	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i>	
UMUMTA'LIM MAKTABLEARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYATINI O'QITISH TARIXI .....	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i>	
KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH .....	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i>	
XORAZM XALQ O'YINLARI .....	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI .....	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i>	
PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIY RAHBAR KOMPETENTLIGI .....	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK – USLUBIY TA'MINOTI .....	316-322

**Махмудон Эркин Асқаралиевич**  
Фарғона давлат университети Жаҳон тарихи  
кафедраси катта ўқитувчиси

## **АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРГОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР**

**Аннотация.** Мақолада илк бор тарихий манбалар ва адабиётлар таҳлили асосида араблар истилоси давридаги Фарғона водийсидаги сиёсий жараёнлар ўрганилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Фарғона, Араб халифалиги, араб босқинчилиги, коалиция, Наср ибн Сайёр, Шарик, Нилон, Алутар, Арслон Тархон, ҳоким, вассал, Талас жанги, Шимолий подшоҳлик, Жанубий подшоҳлик.

**Mahmudon Erkin Askaralievich**  
Senior lecturer of the Department of  
World History of Fergana State University

## **POLITICAL PROCESSES IN FERGANA DURING THE INVASION OF THE ARAB CALIPHATE**

**Abstract.** In the article, for the first time, based on an analysis of historical sources and literature, political processes in the Fergana Valley during the Arab invasion are investigated.

**Key words:** Ferghana, Arab khalifat, Arab invasion, coalition, Nasr ibn Sayyor, Sharik, Nilan, Alutar, Arslan tarkhan, vice, vassal, battle of Talas, Nothern kingdom, Southern kingdom.

**Махмудон Эркин Асқаралиевич**  
Старший преподаватель кафедры всеобщей истории  
Ферганского государственного университета

## **ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ФЕРГАНЕ ВО ВРЕМЯ ВТОРЖЕНИЯ АРАБСКОГО ХАЛИФАТА**

**Аннотация.** В статье впервые на основе анализа исторических источников и литературы исследуются политические процессы в Ферганской долине в период арабского нашествия.

**Ключевые слова и фразы:** Фергана, Арабский халифат, арабское нашествие, коалиция, Наср ибн Сайяр, Шарик, Нилан, Алутар, Арслан тархан, наместник, вассал, битва при Таласе, Северное царство, Южное царство.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N06>

**Кириш.** 720 йилда суғдийлар қўзғолон кўтардилар. Уларга ёрдам бериш учун турк хоқони Курсул (?-738) бошчилигига қўшин юборди. Иттифоқчилар арабларга жиддий шикаст етказдилар. Хурросон ноибининг қўзғолонни бостиришга қаратилган

ҳаракатлари натижа бермади. Шундай шароитда Хуресон ноиби этиб Саъид ал-Хараший тайинланди [11: 168]. У Ироқдаги қўзғолонни бостиришда “донг чиқарган” эди. Янги ноиб қўзғолончилар билан музокара бошлади. Суғд зодагонларининг бир қисми муроса йўлига ўтдилар. Улар орасида Суғд подшоси Ғурак ҳам бор эди. Аммо қўзғолончиларнинг бошқа бир гуруҳи арабларга таслим бўлишни хоҳламай, босқинчилар тасарруфида бўлмаган бошқа вилоятга кетишни истаб қолдилар. Шундай вилоят Фарғона эди.

Суғдийлар Фарғона подшоси Алутарга мактуб йўллаб, араблар билан олиб бориладиган музокараларда воситачилик қилиш ва уларга водий шаҳарларидан бирида бошпана беришни сўрадилар. Алутар суғдийларга ҳомийлик қилишга ваъда берди. Аммо Табарийнинг хабар беришича, Алутарнинг онаси суғдийларнинг водийга киритилишига қарши чиқди [12: 184-188].

Шундан сўнг суғдийлар Фарғонага йўл олдилар. Аммо Алутар Саъид ал-Хараший хузурига ўз амакиваччаси Нилан (Балаз)ни элчи қилиб юбориб, маҳфий равища араблар билан музокара бошлаб юборди. Суғдийларга эса ўз зиммасига олган мажбуриятни 20-40 кундан кейин, улар Исфара яқинидаги рустоқлардан бирига жойлашгандан сўнг бажаришини маълум қилди. Дарҳақиқат, Фарғонага этиб келган суғдийларнинг бир қисми Исфара яқинидаги Исама ғорига жойлаштирилди [13: 73-75].

Музокаралар давом этаётган пайтда суғдийларнинг асосий қисми вақтинча Хўжанд шаҳрида турган эдилар. Шу пайтда шаҳарга Саъид ал-Хараший юборган араб қўшини этиб келди. Алутар эса Хараший билан шартлашгани боис, суғдийларга ёрдам бера олмади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Арабларга Хўжанд ҳимоячилари ва суғдийларни маҳв этиш (722 йилнинг баҳори ёки ёзи) осон бўлмади [11: 169-170]. Хўжандликлар ва суғдийлар уларга қарши мардонавор жанг қилдилар. Улар шаҳар дарвозаси яқинида хандақ қазиб, унинг устини беркитдилар ва гўё чекинаётгандек бўлиб, арабларни хандаққа туширишга ва асир этишга муваффақ бўлдилар. Аммо арабларга қўшимча ҳарбий қисмлар этиб келди. Душман деворни тешувчи мослама – манжаниқларни ишга солди. Шундан сўнг қийин аҳволга тушган шаҳар ҳимоячилари араблар билан музокара олиб боришига мажбур бўлдилар. Араблар суғдийлардан Суғдга қайтиш, хирож солиғини тўлаш, асирларни озод этиш ва қуролларни топширишни талаб қилдилар. Суғдийлар ушбу оғир шартларга рози бўлишди. Аммо араблар суғдийлардан бирини араб аёлини ўлдиришда айблаб, шу баҳонада уларни қирғин қила бошладилар. Суғд жангчилари ҳаётининг сўнгги лаҳзаларида ҳам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Табарийнинг ёзишича, қуролсиз қолган суғдийлар душманга қарши таёқ ва тўқмоқлар билан жанг қилдилар. Деярли барча суғдийлар қириб ташланди. Фақат 400 нафар савдогар ўз жонларини қимматбаҳо моллар эвазига сотиб олдилар. Оддий хўжандликлар ҳам азият чекдилар: арабларнинг бошлиғи хўжандликларга ўз бўйинларида қўрғошин тамға осиб юришни буюрди, буйруқни бажармаганлар қатл этилди [14: 25]. Қўзғолон кўтарган суғдийларнинг яна бир гурухига Деваштич бошчилик қилди. Арабларнинг тазиикى остида улар Панжикентдан Зарафшоннинг юқори оқими томон ҳаракат қилдилар. Таниқли тарихчи олим А.Ю.Якубовскийнинг тахмин этишича, Деваштич ҳам ўз одамларини Шаҳристон довони орқали Хўжандга, ундан кейин Фарғонага олиб келмоқчи бўлган.

Табарий суғдийлар қўзғалони вақтида Саъид Хараший ва Фарғона ҳукмдори тўқнашуви ҳақида ҳикоя қиласди: “Язид ибн ЪАбдулмалик Мовароуннаҳр ва Бухорони то Самарқандгача Саъид ибн ЪАмр Жершийга берди. Саъид орада Балх томонга юрди. Балх дарёсидан кечиб ўтди. Бухорога келди ва у ерда бир муддат вақт ўтди. Кейин у Самарқандга келди. Шундан сўнг Фарғона ҳукмдори ҳузурига юрди. У билан жанг қилиш ниятида эди. Унинг қалъаси девори рўпарасига келиб тўхтади. Фарғона малики ундан сулҳ сўради. Саъид ундан 100 минг дирҳам ва 50 жория олиб сулҳ тузди. Сўнгра ортига қайтди.

Оқшом тушганда мусулмонларнинг қўпчилиги ухлашга ётди. Кутилмаганда Фарғона малики Халиж 5000 минг аскар билан мусулмонлар устига ҳужум қилди. Қўп одамни ўлдирди. Шундан сўнг мусулмонларнинг баҳодирлари отларига миниб, уларга қарши ҳужум бошлади. Буюк бир жанг бўлди. Жанг сўнгида Хақ таъолонинг берган ғалабаси билан қарши тараф аскарлари қирилди. Фарғона малики Халиж 3000 аскари билан ўлдирилди. Араблар катта ўлжаларни қўлга киритди” [15: IV: 347].

Иbn Аъсам эса бу воқеани шундай таърифлайди: “Саъид ибн ЪАмр ал-Ҳараший Хуросонга келиб, сулҳни бузганлар билан қайта сулҳ тузди. Кейин у Балх дарёсини кечиб ўтиб, Бухорога келди ва у ерда бир муддат бўлди. Кейин у Самарқандга келди ва у ерда ҳам маълум вақт турди. Бу ерда унга Фарғона подшоҳи Жиланж арабларга қарши бош кўтаргани ҳақида хабар келди. Саъид Фарғонага юриш қилди ва у ердаги бир мустаҳкам қалъанинг ёнига келиб тўхтади. Жиланж ўша қалъага беркинган эди. Саъид уни қамал қилди. Кейин Жиланж ундан сулҳ тузишни сўраб, унга итоат этиш, 100 минг дирҳам, 50 та ғулом ва 50 та чўри бериш ва қўлини бериш мажбуриятини олди. Саъид ибн ЪАмр бунга рози бўлди. Ўша куни кечаси араблар хотиржам уйқуга кетганда, Жиланж 5000 аскар билан уларга ҳужум қилиб, бир қанча одамларни ўлдирди. Кейин улар ўртасида шиддатли жанг бошланди. Охири араблар устунликка эришиб, уларни мағлубиятга учратдилар, Жиланж жангда ҳалок бўлди. Араблар катта ўлжа қўлга киритдилар. Саъид унинг 1/5 қисми (хұмс) ни ажратиб, Язид ибн Абдулмаликга юборди, қолганини аскарларга бўлиб берди” [16: VIII: 232-233].

Бал’амий ҳам шунга ўхшаш воқеани ҳикоя қиласди. Аммо унда Фарғона ҳукмдори исмини келтириб ўтмайди. Саъид Хараший Фарғона ҳукмдоридан 100 минг динор, 50 ғулом ва 50 канизакни тўлов сифатида олади. Шундан сўнг Самарқандга қараб йўлга чиқади [17: II: 268-269]. Т.Қодирова Балъамийга асосланиб, Фарғона ҳукмдори 50 минг қарлуқлардан иборат қўшин билан арабларга ҳужум қилиб, ўлжаларини қайтариб олди, деб ёзади [18: 77]. Аммо бунча қўшин сони бўрттирилган бўлиши мумкин. Сабаби, Табарий ва Ибн Аъсамда бу каби малумотлар учрамайди.

Табарий асарида суғдийлар қўзғалони вақтида Фарғона ҳукмдори Алутар эканлигини келтириб ўтган [12: 187]. Аммо Жиланч исмли шахс Табарийнинг ўзида яна қайтадан Фарғона ҳукмдори дейилиши бир оз жумбоқли. Сабаби бошқа манбаларда бу тўғрисида маълумотлар йўқ. Лекин Табарий Иштихон ҳокими Корзанчнинг жияни бўлган Жаланж исмли қўзғалон етакчиларидан бирини эслатиб ўтади. Жаланж суғдийлар билан арабларга қарши жангларда иштирок этган [12: 196]. Демак, Табарий ва Ибн Аъсамда Фарғона ҳукмдори, деб қўрсатилган шахс аслида суғдийлар қўзғалонининг етакчиларидан бири Жаланж бўлиб, у қўзғалончилар мағлуб бўлгач,

водийдан бошпана топган ва шу сабабли Саъид Хараший Фарғонага юриш қилган, деб тахмин қилишимиз мумкин.

Ироқ ноиби ЪУмар ибн Хубайра Деваштич билан сулҳ тузиб, арабларнинг Мовароуннаҳрдаги таъсирини камайтирдинг, деб Саъид ал-Харашийни қамоққа олиш тўғрисида буйруқ беради [19: 183]. Унинг ўрнига Хурисонга ноиб этиб Муслим ибн Абу Саъид (723–724)тайинланди.

723 йилнинг бошларида арабларга қарши курашда Фарғона ҳукмдори Алутар етакчилик қиласди. Шу сабабли ЪУмар ибн Хубайра Муслим ибн Саъидга Фарғонага қарши ҳарбий юриш ташкил этиш тўғрисида буйруқ беради [20: 491]. Бундан асосий мақсад, водийнинг мустақил қисми ҳисобланган шимолий ҳудудларини қўлга киритиш эди. Яъқубийга кўра, Муслим ибн Саъид Фарғонага юриш қилди, лекин у ерда ҳеч нарсани қўлга кирита олмади. У Фарғонадан қайтаётганда, турклар ва фарғоналиклар таъқибига учрайди ва уларга хужум қилиб, қаттиқ жанг олиб борди [21: II: 327].

Балазурийнинг ёзишича, Муслим ибн Саъид Фарғонага келиб, бир неча шаҳарларни вайрон қиласди [22: 426]. Ҳуфиялари орқали Фарғона ҳукмдорига Туркаш хоқони Сулукхон (717–738) ёрдамга келаётганлиги тўғрисида хабар олгач, Муслим ибн Саъид тезлик билан чекинади. Шунга қарамай, Фарғонанинг Субах мавзеида хоқон қўшинлари арабларга орқа томондан зарба беради ва катта ўлжаларни қўлга киритади. Араблар тезлик билан жанг майдонини ташлаб кетишади. Балазурийнинг сўзларига қараганда, улар бир кунда уч кунлик масофани босиб ўтишади [20: 491].

Табарийга кўра, Муслим ибн Саъид турклардан қочиб, Водий ас-Сабух номли дарёдан кечиб ўтди. Бу ерда унинг аскарларига турк хоқонининг қўшини ҳужум қилиб, уларни қириб ташлади ва отларини олиб кетди. Турк хоқони арабларга йўлбошли бўлиб келган Ғуракнинг исми келтирилмаган акасини қидиришни буюради. Уни турк аскарлари арабларнинг илғор қисмидан топиб ўлдиришади [18: 80]. Аммо асосий жанг ҳали олдинда эди. Муслим ибн Саъиднинг ҳарбий саркардалари Сирдарёдан бир кунлик масофада бўлажак тўқнашувга тайёр туришни таклиф қилишади. Бўлажак жангга тайёрланиб, Сирдарёга яқинлашган арабларни Турк хоқони бошчилигидаги Фарғона, Шош ва Насаф қўшинлари қарши олади. Табари буни “бутун дунё қиличларнинг ярқирашига тўлди”, дея тасвирлайди [12: 211]. Дарёning бу қирғоғига араблар қийинчилик билан ўтишади ва тартибсиз чекина бошлайди. Чекинаётган арабларни хоқоннинг ўғилларидан бири бошчилигидаги 20 минг кишилик турк ва суғдлик аскарлар таъқиб қилишади. Арабларнинг водийдан чиқиб олишини таъминлаш учун Муслим ибн Саъид аръергард (қоровул қўшин) бошлиғига тўхташни ва таъқиб этиб келаётганларни ушлаб туришни буюради. Шунга қарамасдан, турклар таъқиб этишни давом эттиришади. Арабларнинг барча отлари ўлган [20: 491], ўзлари ташналик ва очликдан қийналган ҳолатда зўрға Хўжандга этиб келишади [12: 212]. Табарий арабларнинг Хўжандга этиб келгандаги ҳолатини “мусулмонларнинг сарғайган юзига қараш қўрқинчли эди”, деб таърифлайди. Иттифоқчилар арабларни Самарқандгacha таъқиб этиб бордилар [12: 212]. Ушбу воқеалар баёнидан сўнг тарихий манбаларда Алутар ҳақидаги маълумотлар учрамайди. Алутарнинг вафот этиши ва ундан кейин Фарғонада ҳокимият Арслон тархон қўлига ўтиш санаси хусусида аниқ маълумотлар йўқ. Айрим тадқиқотчилар бу воқеа 726 йилда, бошқалар эса 739 йилда юз берган, деган

тахминларни ўртага ташлайдилар. Алутарнинг ўлимидан то Арслон тархоннинг тахтга чиқишига қадар ўртада бошқа ҳукмдор бўлганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Хуросон ноиби Ашрас (727-729) даврида ҳам фарғоналиклар доимо арабларга қарши кучларни қўллаб келишган. Улар 728 йилда Бухоро яқинида турк хоқони ва шошликлар билан арабларга қарши мувофаққиятсиз жангга киришади [18: 84]. Аммо манбаларда ушбу тўқнашувда фарғоналикларга ким бошчилик қилганлиги ҳақида маълумот келтирилмайди. Шу билан бирга 112/730-31 йилда Ашрас Фарғонага юриш қилди ва у ерда турклар билан тўқнашди. Турклар мусулмонларни ўраб олдилар ва қириб ташладилар [23: 342].

Хуросонга Наср ибн Сайёр ноиб этиб тайинлангандан кейин, унинг дастлабки иши Мовароуннаҳрнинг амалда мустақил бўлган ҳудудларини қайтадан бўйсундириш бўлди. Чунки, халифаликнинг шарқий чегараси бўлган Фарғонада Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда ислом динининг мавқеи мустаҳкам эмас эди. Тарихий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, араблар Фарғонага қириб келган даврдан то VIII аср охиригача бўлган вақт давомида ҳам Фарғона ҳукмдорлари ислом динини қабул қилмади [10: 7; 2: 26]. Фарғона ҳукмдорларининг ислом динини қабул қилмаганлиги бу ерда арабларнинг таъсири юқори бўлмаганлигидан далолат беради. Шу сабабли Наср ибн Сайёр Хуросонда ўз мавқенини мустаҳкамлаб олгач, Чоч ва Фарғона ҳудудларига ҳарбий юриш ташкиллаштиради. Ибн ал-Асирда келтирилишича, Наср ибн Сайёр фарғоналикларга ҳужум қиласи ва минглаб фарғоналикларни асир олади [8: 198]. Аммо бу Наср ибн Сайёрганинг Фарғонага қилган асосий юриши эмас эди. Чунки, Наср асосий эътиборни Чочдаги арабларга қарши тўпланган кучларга қарататётган эди. Эҳтимол Наср Фарғонанинг чегара ҳудудларига босқинчилик юришини уюштириб ортга қайтгандир. Сабаби манбаларда Насрнинг ҳужуми пайтида Фарғона ҳукмдори ёки унинг вориси билан тўқнашганлиги қайд этилмаган [8: 199].

Насрнинг Фарғонага қилган навбатдаги юриши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда араб қўшинлари Қува шахригача етиб боришади. Фарғона ҳукмдорининг вориси Нилан (Балаз) билан бўлган бир неча жангларда араблар ғалаба қозонади. Фарғоналиклар Насрга сулҳ тузишни таклиф қилишади. Бунга жавобан Наср уларга тинчлик сулҳини юборади. “Тарихи Табарий” ва “Ал-Комил фит-Тарих” каби манбаларда Насрнинг Фарғонага бу юриши батафсил тасвирланган. Жумладан, фарғоналиклар Насрнинг келишини олдиндан билиб, отлари ва озиқ-овқатларни ёқиб юбордилар. Наср Фарғона ҳокимининг валиаҳдига қарши юриш қилиб, уни бир қалъада қамал қиласи. Валиаҳд мусулмонларни ғафлатда қолдириб, тўсатдан ҳужум қиласи ва ҳайвонларни қўлга киритади. Наср эса шундан кейин Темим ўғилларини Муҳаммад ал-Мусанна бошчилигига бир гуруҳ жангчилар билан жўнатади. Фарғоналиклар мусулмонларнинг отларини ўлжа олишган эди. Мусулмонлар қўлдан бой берилган отларининг бир қисмини ўзларига қайтариб олгандан сўнг, фарғоналикларга қарши ҳужумга ўтади ва уларни мағлубиятга учратдилар. Араблар Фарғона ҳукмдори ворисига ёрдам берган дехқонни қатл этадилар [8: 199]. Дехқоннинг ўғли билан биргалиқда баъзи кишиларни асир оладилар. Наср дехқоннинг ўғлини ҳам қатл этишни буоради. Кейинчалик Сулайман б. Сулуни мактуб билан сулҳ тузишга Фарғона ҳокими ҳузурига жўнатади. Фарғона ҳокими хазиналарни кўриши учун Сулаймонни хазина қўйилган жойга юборган.

Фарғона ҳокими Сулаймон орқали сулҳ тузиш таклифи тўғрисида жўнатилган Насрнинг мактубини қабул этганлигини билдириб, ўзининг энг яқин ёрдамчиси бўлган онасини Сулаймон билан биргалиқда жўнатади. Малика (аёл) Наср хузурига келгач, Наср у билан сухбатлашади [8: 200].

**Натижалар ва муҳокама.** Шуниси диққатга сазоворки, Ниланни муаррихлар янги ҳукмдор дея тилга олмайди, балки шунчаки валиаҳд деб ёзишади. Демак, Насрнинг бу юриши пайтида Фарғона ҳукмдори Алутар вафот этган ва Нилан тахтга чиқиб улгурмаган, деган холосага келишимиз мумкин.

Юқоридаги икки юриш манбаларда битта юришнинг икки босқичи сифатида келтирилади. Биринчи босқичда Наср Фарғона чегараларидан минглаб одамларни асир олиб қайтади. Иккинчи юришда араблар Фарғонага бостириб кириб унинг ҳукмдорини мағлуб этади. Водийда арабларнинг мавқеини ошириш учун 10 минг араб водий бўйлаб жойлаштирилади [3: 105]. 740/741 йилда эса Наср яна Фарғонага юриш қиласи [8: 211]. Аммо бу юришнинг тафсилотлари тарихий манбаларда қайд этилмаган.

Наср ибн Сайёрнинг Фарғонага қилган юришларидан сўнг Нилан кучсизланиб, ҳокимиятга Арслон тархон келади [1: 490]. Нилан ҳақида 739 йилдан сўнг тарихий манбаларда маълумотлар учрамайди. Айнан 739 йилдан бошлаб хитой манбаларида Арслон тархон ҳақидаги илк маълумотлар учрайди [6: 86]. Хитой манбаларида Арслон тархон “Асилан Даған” шаклида тилга олинади [2: 25; 6: 86].

Фарғонанинг янги ҳукмдори Арслон тархон ўз ташқи сиёсатида Тан империясига таянади. Маълумки, Фарғонадан шимолда жойлашган Талас водийси Турк хоқонлиги ғарбий ҳудудларининг маъмурий маркази бўлиб, турклар бу ердан Чотқол тоғларидан ошиб ўтиб, водийга ҳужум қиласи әдилар. Арслон тархон ўз давлатининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 739 йилда Талосга юриш қиласи [2: 26]. Айни вақтда Хитой ҳам бу ҳудудни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қиласи. Натижада Қошғардаги хитой гаризони кўмагида Арслон тархон Талос ҳокими Туахуейцианни мағлуб қиласи. Бу воқеани Хитой манбалари ҳам тасдиқлайди. “[Император] Шюанзунг (712–756 йилларда таҳтда ўтирган, исми Ли Лунгжи) нинг Кайюан даврининг 27 йилида [739] Туахуейцианни итоат қиласиришга [Танг қўшинлари билан] ҳамкорлик қилгани учун [Фарғона] ҳукмдори (ванг) Арслон-Тархонга фенгхуа-ванг (“маданиятга интилевчи ҳукмдор”) унвони инъом этилди” [6: 86]. Арслон тархон даврида, Тянбао даврининг 3-йилида (744) хитойликлар ушбу давлат [Фарғона] га Нингюан – “олисдаги сокинлик” деб ном бердилар [6: 86]. Юқорида хитой манбаларидан келтирилган фикрлар шуни тасдиқлайдики, Фарғона ҳукмдори доимо Хитой билан яқин алоқа ўрнатишга ва арабларга қарши курашда Тан империяси билан иттифоқ тузишга интилган. Бунга далил сифатида Арслон тархоннинг Хитой маликаси (Хейи) га уйланганлиги, унинг вориси Чжунгже ўз ўғли Шюеюйни Хитойга юбориб, императордан “хитой урфодатларини ўрганиш учун” уни сарой хизматига қабул қилишни сўраганлигини кўришимиз мумкин [2: 25].

749–750 йилда Мовароуннаҳрда Уммавийларнинг инқирози сабаб сиёсий вазият мураккаблашади. Бунинг натижасида турли ҳалқ қўзғолонлари бўлиб ўтган. Шундай қўзғолонлардан бири Шарик бошлигидаги қўзғолон эди. Бу қўзғолон ҳижрий 131 милодий 748/749 йили Фарғонада бошланади [4: 268]. Уларнинг асосий ғояси Абу Толиб авлодларининг ҳокимиятга чиқишини қўллаб-қувватлаш ҳисобланган. Эҳтимол,

уммавийларнинг ҳукмронлиги даврида уларнинг таъқибидан қочиб Абу Толиб авлодларининг тарафдорлари турли чекка ўлкалар, жумладан, Фарғонадан сиёсий бошпана топгандир. Шарик юқоридаги талаб билан халққа мурожаат қилади. Натижада унинг атрофида катта қўшин жам бўлади [4: 268]. Абу Муслим Шарикка қарши Зиёд бин Солих бошчилигига қўшин юборади. Зиёд бин Солих Амударё қирғоқларига етганда унга бухорхудот ёрдамга келади. Улар биргалиқда Шарикни мағлуб этиб, унинг ўзи ва кўплаб тарафдорларини қатл этадилар. Шарикнинг боши Абу Муслимга юборилади [4: 269].

VIII асрнинг ўрталарига келганда Фарғона ихшиди ва Шош ҳукмдори ўртасида муносабатлар бузилади [7: 21]. Фарғона ихшиди хитойликлардан ёрдам сўрайди. Бунга жавобан Тан империяси ёрдам сифатида катта қўшин юборади. Хитой қўшини фарғоналиклар билан Тошкентга бостириб келиб [7: 21], чочликларнинг мол-мулкини талон-торож қилди ва маҳаллий ҳукмдорни асир олиб Хитой пойтахти Чанъянга юборган. У ерда Чоч ҳукмдори қатл этилди. Тошкент шаҳзодаси иттифоқчиларга қарши Хуросон ноиби Абу Муслимдан ёрдам сўрайди. Натижада беш қун давом этган, илмий адабиётларда илк ўрта асрларнинг йирик жангига дея таърифланган “Талос жангига” бўлиб ўтади. Жанг давомида Танг қўшинидаги Қарлуқ турклари хиёнат йўлига кириб, хитой лашкарига араблар билан биргалиқда хужум қилдилар. Тан қўшинлари қўмондони Гао Шанфа тўлиқ мағлубиятга учради. Хитой аскарларининг катта қисми ўлдирилиб, фақат бир неча нафаригина омон қолган. Ўнг қанот қўмондони Ли Сиенинг ёрдами билан Гао Шанфанинг ўзи қочиб кетишга эришди. Чекиниш йўли тор бўлиб, ортга қайтиш қийин кечган. Афтидан Фарғона қўшинлари иттифоқчи қўшинларнинг орқа тарафида жойлашган ва шу сабабли чекинаётган хитой аскарларининг йўлларини тўсиб қўйган эдилар. Ли Сие олдинги сафга ўтиб, жангдан омон қолган хитой аскарларига Фарғона аскарларини ўлдиришни буюрди. Натижада ўз иттифоқчилари бўлган фарғоналик аскарларнинг барчаси ўлдирилади. Тарихий манбаларда ушбу жангда фарғоналикларга ким бошчилик қилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилмаган. Милодий 744 йилдан кейин Арслон тархоннинг Хитой маликаси (Хейи) га уйланган [6: 86] лигини инобатга олсак, Талос жангига фарғоналикларга Арслон тархон қўмондонлик қилганлигини тахмин қилишимиз мумкин.

751 йилда Талос дарёси бўйида юз берган беш кунлик катта тўқнашувда ҳар икки тарафдан қанча аскар иштирок этгани аниқ эмас. Лекин жангда қатнашган Тан аскарларининг ўзи 70 минг эканлиги адабиётларда қайд этилган [9: 26]. Бироқ, Талос жангига Тан империяси тарафида туриб иштирок этган Фарғона қўшини ва қарлуқларни ҳисобга олганда қўшиннинг умумий сони 100 мингдан ортиқ, деб тахмин қилиш мумкин. Араб аскарларининг сони ҳам 100 минг атрофида бўлиши ҳақиқатга анча яқин. Чунки, араблар жанг давомида яққол устунликка эриша олмади ва Қарлуқ туркларининг араблар тарафига ўтиб кетиши кучлар нисбатини ўзгартириб юборди. Натижада 50 минг хитой лашкарлари қурбон бўлди, 20 минг киши асирга тушди [5: 172].

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, ажоддларимиз VIII асрларда араб истилочиларига қарши узоқ муддат давомида кураш олиб бордилар. 748 йилда Турк хоқонлиги пойтахти Суёб шаҳрининг вайрон этилиши ҳамда 751 йилда Талосда хитой қўшинларининг тор-мор қилиниши сиёсий вазиятнинг араблар фойдасига ўзгаришига олиб келди. Улар Фарғона водийсида ҳам ўз мавқенини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Халифа Мансур даврида Фарғона ҳукмдори Қошғарда яшашга ва арабларга

ўлпон тўлашга мажбур бўлди. Аммо, фарғоналиклар узоқ вақт давомида арабларнинг асосий талаби – исломга ўтишни рад этдилар. Шунга қарамасдан бу ерда аста-секинлик билан ислом дини ёйилди ва шариат қонунлари қарор топди.

### **Adabiyotlar/Literatura/References:**

1. Анарбаев А. Ахсикат – столица древний Ферганы. – Ташкент: Тафаккур, 2013. – 535 с.
2. Бернштам А.Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). – Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1951. – 45 с.
3. Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965. – 238 с.
4. Сайд Абдулхай бин Заҳҳок бин Маҳмуд. Тарихи Гардизи. Дунёйи китоб. Бе тасхих ва мақобала Абдулҳай Ҳабибий. Чопи аввал. – Техрон, 1343ҳ. – 733 с.
5. Хўжаев А. Буюк Ипак Йўли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашр., 2007. – 279 б.
6. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2013. – 288 б.
7. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – 559 с.
8. Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. – Cilt 5. – Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. – 492 с.
9. Nesimi Y. İlk türk – islam devletleri tarihi. – Ankara, 1992. – 146 с.
10. The History of al-Tabari. / Translated by Carole Hillenbrand. – Vol. 26. – New York: State University of New York Press, 1989. – 300 р.
11. The History of al-Tabari. / Translated by David Stephan Powers. – Vol. 24. – New York: State University of New York Press, 1989. – 237 р.
12. История ат-Табари. Пер. с араб. В.И. Беляева с дополн. О.Г.Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – 440 с.
13. Исҳоқов М.М. Суғд ёзма ёдгорликларида этно-сиёсий муносабатларга доир маълумотлар // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент – Наманган, 2007. – С.
14. Гафуров Б.Г. Таджики: Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн II. – Душанбе: Ирфон, 1989. – 490 с.
15. Taberi. Milletler ve hukumdarlar tarihi. Çeviren Zakir Kadiri Ügan ve Ahmet Temir. 5. Çilt. – Istanbul: Milli egitim basimevi, 1992.
16. كتاب الفتوح لأحمد بن أئتم الكوفي. بيروت: دار الأضواء للطباعة والنشر والتوزيع, 1991. 8 جد.
17. Bal'ami. Chronique de Abou-Djafar-Muhammed-ben-Jarir-Jazid Tabari, traduite sur la version persane d'Abou Ali Mo'hammed Bel'ami, d'apres les manuscrits de Paris , de Gotha, de Londres et de Canterbury par H.Zotenberg, t I-IV, Paris, 1867-1874.
18. Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965. – 238 с.

19. The History of al-Tabari. / Translated by Joel L. Kraemer. – Vol. 34. – New York: State University of New York Press, 1989. – 282 p.
20. El-Belâzurî, Ahmed b. Yahya. Futuh-ul-Buldan. Tercüme Prof. Dr. Mustafa Fayda. – Istanbul: Siyeryayinlari, 2013. – 657 s.
21. Ibn Wadhih qui dicitur al-Ja'qubi. Historiae Ed. M.Th.Haustma, pars 1, historiam antislamicam continents: pars 2, historiam islamicam continents. Lunduni Batavorum, 1883.
22. Al-Balazuri. Liber expugnationis regionum, auctore Imamo Ahmed ibn Jahja ibn Djabir al-Belol, quem a codice Leidensi et codice Musei Britannici ed. M.J.de Goeje, Lunduni Batavorum, 1866. – 1376 p.
23. Абу-л-'Аббос Аҳмад Ибн Йаҳйо Ал-Балозурий. Футух ал-булдон. (Хурросоннинг фатҳ этилиши) / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С. Камолиддин. – Тошкент, 2017. – 440 б.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/5 (3)-2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).